

Тазкия 167-дарс. Мунофиқликнинг уруғи ва фасоднинг бошланиши



17:00 / 08.01.2022 4508

Шухратпарастлик дардига мубтало бўлган шахс одамларга ёқишдан бошқа нарсани ўйламай қўяди. У нима қилиб бўлса ҳам, кўпчиликка ёқиш учун уларга хушомад қилиш йўлига ўтади. Гап-сўзини, хатти-ҳаракатини ва борбудини уларнинг олдида ўзини улуғлашга қаратиш пайдан бўлади. Мана шунинг ўзи мунофиқликнинг уруғи ва фасоднинг бошланиши бўлади. Бу эса ўз навбатида, ибодатларга беписандлик билан қарашга ва уларни риё учун бажаришга олиб боради.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг мол-мулк ва шарафга бўлган ҳирси унинг дини учун қўйлар орасига қўйиб юборилган икки оч бўридан ҳам қўрқинчлидир», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Мол-дунё ва шуҳратга бўлган ҳирс ўз эгасини барча ёмонликлардан қайтмайдиган қилиб қўяди. Оқибатда у ўша икки нарса ортидан тушиб, динини барбод қилади. Шунинг учун динимни бўрилар еб кетмасин, деган банда дунёга ва шуҳратпарастликка ҳирс қўймаслиги лозим.

Бас, шуҳратпарастлик дардини даволаш вожибдир. Бу даво илм ва амал билан бўлади.

Илм билан даволаш қуйидагича: Шуҳратпараст аввало нима учун шуҳратга муҳаббат қўйганини яхшилаб ўйласин. Албатта, одамларнинг ўзларига ва қалбларига эга бўлиш учун бу нарса қачонгача давом этиши мумкин? Мабодо ҳеч офат етмай, тўлалигича давом этганда ҳам, ўлимигача давом этади, холос. Шундай экан, у нарсага бунчалик ўч қўймаса?!

Кейин шуҳрат эгаларига бир назар солсин. Уларни турли-туман хавфу хатарлар ўраб турмайдими? Обрў ва мансаб эгаларига барча ҳасадгўйлар ҳасад қилмайдими? Уларга зарар етказиш учун пойлаб турмайдими? Бунинг устига, шуҳратпарастларнинг ўзлари шуҳрат супасидан тушиб қолишдан доимо қўрқиб турмайдиларми?

Қалблар қайнаб турган қозон кабидир. Шуҳратпараст қай бир қалбнинг риоясини қилиб улгуради? Ундан кўра шуҳратпарастликнинг ўзини тарк қилиб қўйгани яхши эмасми? Ана шунда у кўпгина балолардан халос бўлади. Аммо ҳеч нарсани йўқотмайди.

Подшоҳлардан бири машҳур зоҳидни зиёрат қилиш учун йўлга отланибди. Подшоҳнинг ўз манзилига яқинлашиб келаётганини билган зоҳид кўп таомларни олдига қўйиб, оғзини тўлдириб, шоша-пиша ейишга тушибди. Буни кўрган подшоҳнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ортига қайтибди.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди